

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Ирригация ва Мелиорация Инситути

*“Ердан фойдаланиши ва Ер кадастри” факултети*

“Геодезия ва ер кадастри” кафедраси

“Худудни муҳҳандислик жиҳозлаш

Мустақил ИШ.



Мавзу: Йўл поини қуришдаги қўйиладиган талаблар. Йўл минтақасини қуришга тайёрлаш.

Бажарди: 3-курс 4-турх талабаси

С. Камилов

Қабул қитти: т.ф.н доцент

И. Мусаев

Тошкент-2012

МАЪРУЗА. ЙўЛ ПОЙИНИ ҚУРИШДАГИ  
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР. ЙўЛ  
МИНТАҚАСИНИ ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШ.

## РЕЖА

- Грунтларга қўйиладиган талаблар.
- Грунтларни зичлаш назарияси. Оптимал намлик ва максимал зичлик. Йўл пойини зичловчи механизмлар.
- Йўл пойининг сув иссиқлик таркибини бошқарувчи иншоотларни қуриш. Йўл пойидан сувларни четга чиқаришни таъминлаш.

*Грунтларни қурилишдаги классификацияси. Автомобил йўларини қуриш жараёнларида грунтларни йўл қурилишларидағи классификациясидан фойдаланилади.*

*Богланмаган чўкинди тоз доналарининг таснифи.*

<b>Богланмаган чўкинди тоз жинсларининг номи.</b>	<b>Грунт доналарининг миқдори.</b>	<b>%</b>
Йирик бўлакли: шагаллар доналари силлиқ бўлмаса чақиқтош.	Доналари 10 мм дан катта бўлганларидан кўп бўлса.	50%
Майда шагаллар доналари силлиқ бўлмаса майда чақиқтошлар.	Доналари 2 мм дан катта бўлганларидан кўп бўлса.	50%
Қумлар: Шагалли қум.	Доналари 2 мм дан катта бўлганларидан кам, лекин 25% дан кўп.	50%
Йирик қум:	Доналари 0,5 мм дан катта бўлганларидан кўп.	50%
Ўртача донадаги қум.	Доналари 0,25мм дан катта бўлганлари 50% дан кўп.	
Майда қум.	Доналари 0,1 мм дан катта бўлганлари 75% дан кўп.	
Чангли қум	Доналари 0,1 мм дан катта бўлганлари 75% дан оз.	

*Йўл минтақасини қуришга тайёрлаш.* Бу ишлардан мақсад йўлнинг бўйлама ва кўндаланг кесимларини ифодаловчи барча эътиборли нуқталарини аниқлаб махсус белгиларга bogлашдир. Йўлнинг ўқи тўгри бўлакда ҳар 0,2-0,5 км.да, эгриликларда 0,1 км.да баландлиги 20-40 см.ли махсус поялар билан белгилаб борилади. Тўгри қисмда йўналиши ўқига нисбатан перпендикуляр қилиб ва эгриликларда тангенсларига перпендикуляр ҳолда йўл сатҳи чегаралари бўйлаб икки томонга ҳам поялар ёки йирик қозиқлар билан bogлаш ишлари бажарилади.

**Йўл минтақасини қуришга тайёрлаш.** Бу ишлардан мақсад йўлнинг бўйлама ва кўндаланг кесимларини ифодаловчи барча эътиборли нуқталарини аниқлаб махсус белгиларга bogлашdir. Йўлнинг ўқи тўгри бўлакда ҳар 0,2-0,5 км.да, эгриликларда 0,1 км.да баландлиги 20-40 см.ли махсус поялар билан белгилаб борилади. Тўгри қисмда йўналиши ўқига нисбатан перпендикуляр қилиб ва эгриликларда тангенсларига перпендикуляр ҳолда йўл сатҳи чегаралари бўйлаб икки томонга ҳам поялар ёки йирик қозиқлар билан bogлаш ишлари бажарилади.



## Йўл сатҳини тозалаш.

Йўл сатҳини тозалашдан мақсад йўналишини узлуксиз иш бошлашдан олдин тиклаш жараёнида намоён бўладиган (ўрмон, майда дарахтзорлар, илдизлар. Харсанг тошлар) тўсиқлардан тозалашдир.

Булар ичида дарахт, илдиз ва ўрмонларни йўқотиш қийин ва қимматга тушади. Дарахтларни қулатиши осонлаштириш учун аввал уни ёнидаги майда кўчатлардан холис қилинади. Улар Д-174В турдаги шох ёрувчилар ёрдамида илдизи билан қўпориб олинади ва сатхидан ташқарига чиқариб ташланади. Шох чиқарувчиларнинг иш унуми қўйидагича аниқланади.

$$P = \frac{B * V(TK_B - N * t)}{10m},$$

бунда: B - эгаллаш кенглиги, м;

V - ишдаги ҳаракат тезлиги, км\соат;

T - иш явақти, соат

$K_B$  - вақтдан фойдаланишни ифодаловчи коэффициент, 0,75-0,85;

N - ишлаш жойининг охиридаги бурилиш сони;

t - битта бурилиш вақти, соат;

m - бир жойдан ўтиш сони, 1-4 га тенг.

Йўл сатхини ўсимлик қатламидан тозалаш.

Грунтнинг ўсимлик қатламини 5-20 см қалинликда юпқа қатлам билан ўтли жойлардан, 15-20 см қалинликда эса майда шохчали ўсимлик мавжуд жойлардан белгилаш ишлари бажарилгандан сўнг олиб ташланади.

Грунтнинг ўсимлик қатлами асос ости ва грунт олинадиган кўтартманинг ён биқинидан олиб ташланади. Кўпинча бу грунтлар қияликларни мустахкамлаш ва текислаш ишларида қўлланилади. Ўсимлик қатлами кўндаланг ва бўйлама - кўндалангли усулларда олинади.

Кўндаланг усулда ўсимлик қатлами булқдозер (айрим холларда скреперлар) ёрдамида йўл ўқидан бошлаб унга кўндаланг равишда туриб қирқиб сурилади. Бунда аввал бир минтақа, сўнг иккинчи минтақадан олинади. Биринчи қирқиб ўтиш йўл ўқидан сахна чегарасигача бажарилиб, кейингилари бир-бирини ўзаро 25-30 см қопланиб бажарилади.

Булқдозер бир марта ўтиб L масофасида қирқса.

$$L = \frac{V}{(B - m)h},$$

бунда: V - бир марта ўтиб сурғандаги тупроқ ҳажми, куб м;

B - булқдозер курагининг эни, м;

m - қирқимларнинг ўзаро қоплаш эни, м;

h - қатламни қирқиши қалинлиги, м.

Қирқиб олинган ўсимлик қатлами йўл бўйлаб иш сахнидан ташқарига чиқариб, сақланади.

## Йўл пойини зичлаш

Зичлаш грунтли қобигда талаб қилинадиган зичлик ва мустаҳкамликни таъминлайди. Услубли зичлашни таъминлашдан мақсад талаб қилинадиган зичлагичларни танлаш, грунт намлиги, қатламлар қалинлиги, зичлашдаги ўтиш ва таъсир микдорлари каби қулайроқ нафли зичлаш тартибини аниқлашдан иборат.

Зичлаш грунтли қобигни тиклашда энг жавобгарли услублардан бири ҳисобланади. Зичлаш сифати грунт қобигининг чидамлилигини, шу билан бир қаторда йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги ва узоқ муддатли хизматини таъминлайди. Зичлаш иш унуми грунтли қобигни тиклаш жаддалигига катта таъсир қиласи. Зичлаш услуби грунтли қобигни тиклашдаги аралаш услубнинг жараёнлари ва ишни ташкил килишга таъсир қиласи. Шунинг учун зичлашни ташкил қилишга алоҳида этибор бермоқ зарур. Зичлаш услуби зичлаш назариясига асосланиши лозим.

*Грунтнинг зарурий зичлигини асослаш.* Грунт бу кўп ҳолатли парчаланувчи туркумда булиб, унинг мустаҳкамлиги қатор сабабиятларига боғлиқ. Сабабиятларга грунтдаги заррачаларнинг бўлинувчанлиги, зичлиги ва намлиги киради. Грунт бурчаклари ва миниран заррачалари сув пардаси билан тарқалган бўлади. Сув ташкилланган суюқлик бўлиб, унинг тузилиши муз тузилиши турларидан бирига яқин бўлади. Сув юпқа пардалигига минерал заррачалар томонидан ўзаро харакат қилувчи молекулярлараро куч таъсири остида бўлади. Юпқа пардалар сув ҳоссалари эгилиб-букилувчи тана ҳоссасига ўҳшаш бўлади. Бу пардалар эгилувчанликка эга булиб, силжишга қаршилик кўрсатади.

Талаб қилингандык зичлик ва унга монант намликтар стандарт зичлаш услубида аниқланилади. Меъёрдаги намликтар  $W_m$  ни қуидаги топиш мүмкін.

$$W_m = 0.6W_{o.c.}$$

Буда ерда  $W_{o.c.}$  - оқувчанлык чегарасидаги намликтар, фоиз.

Турлича грунттарнинг таҳминий меъёрдаги намликтар миқдорлари, фоиз хисобида:

Турлича грунттарнинг таҳминий меъёрдаги намликтар миқдорлари, фоиз хисобида:

- майда ва чангли құмлар	8-13
- енгил ва оғир құмдор грунттар	9-15
- енгил лесс	12-18
- оғир ва чангли лесс	14-20
Чангли, оғир құмдор грунттар	
- енгил чангли лесслар	15-22
- чангли ва құм ёпишқоқ грунттар	16-26
Енгил ёпишқоқ грунттар	20-30

Грунттарнинг стандарт зичланиш миқдорини қуидаги формула орқали топиш мүмкін.

$$\sigma_{cm} = \frac{\Delta(1-V_x)}{1 + \Delta W_M}$$

Буда  $\Delta$  - грунттеги минерал заррачаларнинг салиштирма вазни,  $\text{г}/\text{см}^3$

$V$  - меъёрли намланган стандарт зичликтеги грунттарнинг хаво хажми, юздан бир ўлчамида.

Тебратиб зичлаш жараёнидаги наф грунтнинг ҳолат ўзгаришига қаршилиги маълум даражада камайиши ва зарраларни зич жойлашувида аксини топади. Тебратиш натижасида грунт хоссалари ўзгаради. Бунда грунт структурасида тиксотропик ўзгариш руй беради, яъни унинг қисмдаги бояланган сув пардалари эркин ҳолча ўтади. Шу билан зарралари ва бўлакчалари оралигидаги таъсир кучи камайиб, уларнинг силжиши содир бўлади. Кум ва қумдор грунтларни тебратиб шиббаланса юқори наф олинади. Бунда зарралараро харакат асосан ишқаланиш кучи буйича аниқланилади. Тебратиб шиббалашдаги эришиладиган нафга тўлқинланиш амплитудаси, такрорланиш, тезланиш, грунтга туширилган юк каби тўлқинлаштирувчи жараёnlарининг улчамлари таъсир қиласди. Йўл қурилишда асосан юзага мосланган тебратгичлар, тебратгич машиналари ва тебранма катоклар кўлланилади. Тебратгичлар таъсирида ўсиб борувчи солиширима босимлар 0,05-0,08 МПа бўлсада, юқори зичланишни таъминлайди. Тебратгичларнинг зичлаш микёси уларнинг вазни, кесим улчамлари ва тулқинни такрорланиши билан аниқланилади. Тебратгичнинг солиширима статик босими қўйидаги кўрсатгичлардан кам бўлмаслиги керак, МПа:

Ўта намланган қумларда	30-40
Меъёр намли қумларда	60-100
Меъёр намли қумдор грунтларда	100-200

Тебраниш вақтида грунтлар намлиги стандарт зичланишга меъёрли намлигидан 10-20% ортиқ таъминланиши керак.



## **Йўл пойининг сув иссиқлик таркибини бошқарувчи иншоотларни қуриш. Йўл пойидан сувларни четга чиқаришни таъминлаш.**

Мустахкам ва сувга чидамли грунт қатламини яратиш учун ини меъёр намлик ( $W_m$ ) ҳолатида етарли зичлаш зарур. Грунт табиий ҳолат хўлланишида кўпинча меъёр намлигидан ўзгача ҳолатда бўлади. Шунинг учун қобиг тиклаш мобайнида ўта намли ( $W > W_m$ ) грунтларни қуритиш ёки намлиги меъёридан кам грунтларни эса керагича намлаш зарурияти тугилади. Агар фойдаланилаётган грунт намлиги кераклигидан ортиқ бўлса, уни  $W_m$  ҳолатига келтиргунча зарур вақтни билиш талаб қилинилади; агарда грунт намлиги керагидан оз бўлса, уни намлаш учун қанча сув сарфланиши кераклигини билиш керак. Бу масалаларни хал қилиш учун бугланиш натижасида грунт қатламида нам алмашув жараёни бўйича изланиш ишларини бажариш талаб қилинилади. Грунт кўтармани қурища қатlam-қатlam усулида иш олиб борилади. Олдинги зичланган қатlam устидаги янги бошлангич намлиги  $W_o > W_m$  бўлган сочма грунт жойлаштирилади. Бу грунт ташиб келтириш ва ейиб зичлаш вақтларида қатlamда бугланиш содир бўлиб намлик камая боради. Қатlam бўйича грунт намлиги  $W_m$  ҳолатига келувчи онийликни белгилаш зарурияти тугилади.

**Намлаш учун сарфланадиган сув Рс қўйидагича топилади.**

$$P_o = \frac{W_{mp} - W_t}{1 + W_t} P_t$$

**бунда:  $P_t$ - қуруқ грунт вазни;**

**Бу ечимда  $W_{tk}$  ва  $W_r$  - юздан бир ўлчами олинади.**

Грунтни бир текис намланаолмаслиги бу усулнинг камчилиги ҳисобланади. Намлаш усулининг афзалини танлаш техник иқтисодий, мухитни қуриқлаш ва мавжуд техника шароитига асосан танланилади. Грунт асосан сув сепгич машиналари ёрдамида намланилиб, уларни бажарадиган иш унуми қуйидаги ечим орқали топилади

$$P = \frac{T \cdot q \cdot K_s}{\frac{l}{V_1} + \frac{l}{V_2} + t_t + \frac{q}{p}} \cdot T$$

бу ерда: Т - кунлик ишлаш вақти, с;

q – сигим ҳажми, т;

$K_s$ -кунлик иш вақтидан фойдаланишни ифодаловчи коэффициент, 0,85-0,90 га тенг;

l - сув ташиш масофаси, км;

$V_1, V_2$  - машинанинг юкли ва юксиз ҳолатидаги тезликлари, км/с;

$t_t$  - сув тўлдириш вақти (0,15-0,20 с);

P - намлаш вақтидаги сигим насосининг иш унуми, т/с.

Автомобил йўлларини қуришда сувни четга чиқариш ва дренаж ишлари, алохида ўрин тутади, бу ишлар автомобиль йўллари эксплуатациясида алохида ўрин тутади.

Сувни четга чиқариш ва дренаж ишлари қурилмаларини қуриш ишлари автомобиль йўлларини қуриш жараёнида бажарилади.

Траншеялар экскаватор ёрдамида ковланади. Траншея казиш пайтида ғосм тупроқ қатлами кам олинади, кейинчалик текисланиб нивелир ёрдамида нишаб берилади. Траншеяни эни шундай олинадики, унда одам бемалол иш бажариши керак (трубаларни ёткизиш, уларни чокларини бирлаштириш ишлари) . Траншеяни нишаблиги 0,5 см дан ошмаслиги керак. арта ошади.

Траншеяларни четини махкамлашда ёгочлар ишлатилади, айрим холларда металл конструкциялар қўлланилади.

Дренаж ва қуритиш қурилмалари автомобиль йўллари қурилишида мухим урин тутади.

Дренаж тармоқлари тупроқ сувларини ва ортикча сувларни автомобиль йўллари асосларидан четга чиқаради.

Дренажлар керамик ёки асбест трубалардан қурилади.

Уларни диаметри 5-10см. Грунт сувлари трубаларни уланган ёки асбест трубаларида арраланган тешиклардан сувлар трубага тушиб ва нишаб буйлаб окиб чиқади.

Дренаж трубалари яхши ишлаши учун унинг атрофи говак материаллар билан тўлдирилади(шагал, чақиқ тош, йирик қумлар) .



Uzbek.rib.ir

# Коллектор қуришда бажариладиган асосий ишлар:

- Коллекторни қуришда бажариладиган иш хажми аниқланади.
- Коллекторни қуриш технологик схемаси уларни қуриш ва монтаж ишларига боғлиқдир
- Коллектор қуришда поток учун максимал вақт берилади.
- Коллекторни қуришда уларни ишчи операцияларини тулиқ бажарилишини таъминлаш зарур.
- Ишчи операцияларини бажарилишини вақтини аниклаш лозим.
- Поток тезлигини аниқлаш учун иш хажмини вақтга бўлинади.
- Хар бир ишчи операцияга уларни услубини танлаш.
- Ишчи операцияни бажараётган звеноларни аниқлаш.
- Технологик картани ишлаб чиқариш

ЭТЬИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАХМАТ

